

Ароқ ичиш ҳақидаги фикҳий қарашлар

05:00 / 19.01.2017 20341

Иймон заволи бўлмиш ичимлик Аллоҳ таолонинг каломида «Моида» сурасининг 90-91 оятларида қатъиян ҳаром қилинган:

لَمْ يَمَسَّ مِنْ سِجْرِ مَالِ زَالٍ أَوْ بَاصِنِّ أَلٍ أَوْ رَسِيْمٍ لَوْ رَمَخِلَا أَمَّا أَوْ نَمَّا نِيْذِلَا أَوْ يَأِيْ
مَكَانِيْ بَعْقُوِيْنَا نَاطِيْشِلَا دِيْرِيْنَا أَمَّا . نَوَحْلَفْتُمْ كَلْعَلْ هَوْبَنْتَجَاف . نَاطِيْشِلَا
لَهْفَ ةَوْلَصَلَا نَعُو هَلَلَا رَكَذَنْ عَمَّ كَدَصِيْ وَرَسِيْمٍ لَوْ رَمَخِلَا يَفْءَاضْغَبَلَا ةَوَادْعَلَا
نَوَهْتَنْ مَمْتَأْ

«Эй мўъминлар гуруҳи, дарҳақиқат хамр – барча маст қилувчи нарсалар шунга дохилдир, ва қимор – бу ҳам умумийдир, нард, ошиқ, тухум ва бошқа (ўйналадиган) нарсалар, ва бутларки, ибодат қилишга тайёрланган ва қўйлар сўйиладиган санамлар (баъзи тақводор уламоларимиз қабристонларга олиб бориб сўйиладиган қўйларни ҳам шунга киритганлар) ва фолбинлик таёқлари палиддир, нажосатдир. Шайтоннинг васвасаси, зийнатлаб кўрсатган нарчасидир. Бас, ушбу нажосатлардан сақланинг. Шоядки, шу сақланиш ила (дўҳахдан) қутулсангизлар. Албатта шайтон хоҳлайдики, сизларнинг орангизга ароқ ичишда ва қимор ўйнашда душманлик ва хусуматлар солишни хоҳлайди. Сизларни Аллоҳни ёд қилишдан қайтаради ва намоздан қайтаради. Бас, сизлар (энди) тўхтайсизларми?!»

«Тафсири Хусайний»да ушбу оят остида ароқнинг ҳаромлигига мана шу оятнинг ўзидан ўнта далил топиб айтилган. Улар ҳақида бошқа мақолалар ва нашр юзини кўрган асарларда батафсил сўз юритилган.

Мазкур ояти карима билан ароқнинг ҳаромлигини эълон қилган Ислом дини унинг ичувчисини мана бундай сифатлади:

نَمُوْمٌ وَهُوَ أَهْبَرَشِيْ نِيْحِ رَمَخِلَا بَرَشِيْ أَلُو

«Хамр(ароқ) ичувчи мўъмин ҳолида ароқ ичмас».

Имом Муслим ривоятидаги саҳиҳ ҳадиси шарифда Жаноби Расули Акрам (с.а.в.) мана бундай:

مَاحِ رَمَخِلَا لَكُو رَمَخِ رَكْسَمِ لَكِ

«Ҳар бир маст қилувчи ароқдир. Ҳар бир маст қилувчи ҳаромдир», деб бизга ҳар қандай номда бўлиши-ю, қандай тайёрланишидан қатъий назар, маст қилувчи ҳар нарса шароб каби ҳаромлигини англамоқда.

Ҳатто «Ароқ ёмонликлар, ифлосликлар онаси» деган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобимиз:

مَاحِ هَلِيْلَق ف هَرِيْثِك رِكْسْ اَمُو، رِمَخ رِكْسْم لِك

«Маст қилувчи ҳар қандай нарса ароқ ҳукмидадир. Маст қилувчи нарсанинг кўпи ҳам, ози ҳам ҳаромдир» деб унинг томчисини ҳам ҳаром қилди. Унинг аввалию охири қадаҳини ҳам ҳаром айлади: **مَاحِ رِكْسْم لِك** - "Ҳар бир маст қилувчи нарсанинг аввали ва охири ҳам ҳаром!".

Бу билан ҳам шариат соҳиби қаноат қилмасдан одамлар ул балодан ниҳоятда ҳазар қилсинлар, деб бундай дедилар:

اَهْلَمَاحِ و اَهْرَصْتَعْم و اَهْرَصَاعِ و اَهْعَاتَبْم و اَهْعَائِبِ و اَهْيَقِاسِ و اَهْبِرَاشِ و رِمَخِلِ اَهْلَلِ نَعَلِ
اَهْنَمَثَلِكْ اَوْ هَيْلِ اَهْلِ اَهْلِ و مَحْمَلِ اَوْ

«Аллоҳ таоло ароқни, уни сиққанни ва сиқтирганни, ичганни, ташиганни ва унга ёрдам берганни, сотганни ва сотиб олганни, ичувчига берганни, ичкилик сотиладиган ва тарқатиладиган ерларни (майхона, тўйхона, ароқ сотадиган дўкон, кафе ва барларни), пулини еганни лаънат этди». (Абу Довуд, Байҳақий, Ҳоким ривоятлари).

Ҳалол нарсага ҳеч қачон лаънат айтилмайди. Лаънат фақат куфр ва ҳаромга ишлатилади. Шунинг учун ҳам ароқ ичганнинг қирқ кунлик намози қабул этилмайди, дейилади ҳадиси шарифларда.

Яна Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилган мана бу ҳадисни ҳеч ҳам эсдан чиқармаслик керак:

اَهْلَهُ اَيُّ رَقِي يَذَلْا ثَوِيْدَلِا و اَقَاعِلِا و رِمَخِلِا نَمْدَمَ اَهْنَجَلِا مَهْيَلِ عَهْلَلِا مَرِحْ دَقْ اَهْثَالِثْ
ثَبَخَلِا

«Ҳақ таоло шул уч кимсага жаннатни ҳаром қилган: Ичкиликка ружуъ қўйганлар. Ота-онага осий бўлганлар. Хотини хиёнат қилганини билгани ҳолда, у билан яшаган эркаклар яъни даюслар». (Имом Аҳмад ривояти).

Юқоридаги ояти карима ва ҳадиси шарифлардан ароқ ичиш ҳаромлиги маълум бўлди:

Демак, ароқнинг томчиси ҳам ҳаром, унинг бир томчиси бир тонна сувга тушса, сувни ҳам ҳаром қилиши тайин.

Демак, ароқ ҳаром. Унинг ҳатто бир томчиси ёки «ўзи ҳалол, мастлиги ҳаром» дейиш инсонни диндан чиқариши тайин.

«Менга ҳеч нарса қилмайди, менга бўлаверади» деб ароқ ичса, унинг иймонига зарар қилиши, уни бу дунёда ҳам, нариги оламда ҳам, шарманда қилиши тайин. Севимли хотини талоқ бўлиши аниқ.

Лекин бул жумлалардан ароқхўр кофир, мусулмон эмас деган гап чиқмайди. Мусулмон ароқхўрнинг иймони борлигига шак йўқ. Башарти, у ароқни ҳалол деб ичмаса бўлди. Агар ароққа ёрилиб ўлса ҳам у мусулмон ҳолида ўлади. Тобутга эмас, унга, унинг ўзига жаноза ўқилади. Башарти, у ароқ ичаётганда уни ҳалол деб эътиқод қилмаса бўлди. Зеро, бизнинг эътиқодимиз мана бу:

رفك لى ف هل خدت ال و نامي إا ن م ن مؤملا دب ع ل ا ج ر خ ت ال ة ري ب ك ل ل و

«Кабира гуноҳ (ароқ ичиш гуноҳи кабирадир) мўъмин бандани иймондан чиқармайди ва уни куфрга, кофирликка киритмайди» деган «Ақойиди Насафийа» китобидаги умумий қоидадир.

Лекин машойхларимиз ароққа ёрилиб ўлганга, зино устида ўлиб қолганга, ошкора фолбинлик билан шуғулланадиган кимсага, ота-онасини урган фарзандга юртнинг обрўли кишилари, имом домлалар жаноза ўқимасин, деб тавсия қилганлар. Жумладан, бу фатво "Радд ал-муҳтор"да ҳам ўз аксини топган. Шунда халқ бу ишларнинг қаттиқ гуноҳ эканлигини англайдилар.

Аммо бундай гуноҳкор кимсалар ҳам жанозасиз кетмаслиги керак. Зеро ҳар қандай, яхши-ёмон мусулмонга жаноза ўқиш вожибдир. Зотан, ақида китобларимизда:

ح اف و رب ل ك لى ع لى ص ي و ح اف و رب ل ك ل ف ل خ ة ال ص ل ا زوج ت و

"Ҳар бир яхши ёмон кимсанинг орқасида намоз ўқиш жоиз бўлади (ёмоннинг орқасидаги намоз макруҳ бўлиши мумкин албатта) ва ҳар бир яхши ва ёмон инсон (албатта мусулмон)га жаноза ўқилади", деган ақидавий қоида қатъий битилган.

Ана энди, ароқ ичганнинг мусулмон эканлигини билиб олдик. Мусулмонга эса шаръий ҳукмлар жорий бўлаверади. Масалан, ароқ ичган одамга дарра

урилиши. Озод одам ароқ ичган бўлса, унга 80 дарра урилади. Қулга эса 40 дарра урилади. Агар бу дунёда урилмай қолса, қиёматда албатта урилади. Бу ҳукм бир қултум, бир томчи ичган бўлса ҳам шундайдир. У оғзидан ҳиди келиб турганда ушланиши ёки ақли зойил даражада маст ҳолатда ушланиши ёки ўзи иқрор бўлганда ёки ароқ ичганига икки эркак гувоҳлик берганда қози ҳукми билан дарра урилади.

Бу ерда мастликнинг даражаси, Имоми Аъзам раҳимаҳуллоҳ наздида, ароқ ичган одам ҳеч нарсани, ҳатто еру осмонни ажратолмайдиган ҳолатдир. Имомайн р.ҳ. (Имом Муҳаммад ва Имоми Абу Юсуф)лар наздида эса беҳуда гапира бошласа, у мастдир. Машойихларимизнинг аксари мана шу қавлни олишган. Имом Шофий (р.ҳ.) наздида эса мастнинг мастлиги юриш-туриши, ҳаракатлари ўзгарганидан маълум бўлади. Демак, маст одам ана шу айтилган даражада ёки ундан ўтган даражада ушланса унга ҳадд урилади. Унинг пастида эса урилмайди.

Энди, ароқ ичмайдиган ёки ичмаган мусулмонни «Эй ароқхўр!» деб ҳақоратласа, ҳақорат қилганни таъзирини бериб қўйиш учун 39 даррагача урилади. Зеро, ароқ ифлос нарса. Мусулмонни ифлос нарсалар билан масхаралаш, ҳақорат қилиш дуруст эмас.

Юқорида мастлик даражаси беҳуда гапира бошлаш деб олинди. Агар шундай маст бўлиб қолган одам диндан қайтса, динни масхара қилса ёки алфози куфр айтган бўлса, у диндан қайтган, деб ҳисобланмайди. Зеро, бу эътиқодий ишдир. Уни мусулмонмас дейиш тўғри эмас.

Ароқхўрга дарра урилганда кийимлари ечиб олиниб, ўтирғизи қўйилиб (ётғизи эмас), даррани (орасини) бўлиб-бўлиб урилади.

Лекин, юқорида айтилган мастлик даражасига етган-етмаган, ўтган-ўтмаган ҳар қандай ароқ ичган одам бир нарсага иқрор бўлганда, бирор нарсага қасам ичганда, хотинини талоқ қилганда, қул озод қилганда унинг бу қилмиши жорий бўлади. Яъни, иқрори иқрор, қасами қасам, никоҳи никоҳ, талоғи талоқ бўлади. Бу ароқхўрга нисбатан зажр учундир. «Билмай қилдим, ҳеч нарса эсимда йўқ, онамга ҳам, хотинимга ҳам, қизимга ҳам талоқ деяверибман. Уйга бировлар олиб келиб ташлаб кетибди» деган баҳоналар ўтмайди. Хотинига талоқ дедими, талоғи талоқ. Ҳукм шу! Шунга ўхшаш, ароқхўрнинг талоғи талоқ бўлгандан кейин, ўз-ўзидан, никоҳи ҳам никоҳ бўлади. Савдоси ҳам савдо бўлади. Ароқ ичиб қўйган янги куёвга, ароқ ичибсан, деб никоҳ қиймаган мулла охиратда жавоб беради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир келин-куёв никоҳсиз бирга бўладими?! Уларнинг бир

Астағфируллоҳ!

هَلَلْ بَاتَ بَاتٍ نِإْفٍ ، أَحَابَصَ نِيَّعَ بَرَاءَةَ الصُّهْلِ لَبْقِيَّ مَلَّ رَكَسَفَ رَمَّخُ لِبَرَشٍ نَمَّ
هَلَلْ بَاتَ بَاتٍ نِإْفٍ ، أَمْوَيَ نِيَّعَ بَرَاءَةَ الصُّهْلِ لَبْقِيَّ مَلَّ رَكَسَفَ أَعَبَرَشٍ نِإْفٍ ، هَيْلَعِ
عَبَّارِلْ أَعَبَرَشٍ نِإْفٍ ، أَمْوَيَ نِيَّعَ بَرَاءَةَ الصُّهْلِ لَبْقِيَّ مَلَّ رَكَسَفَ أَعَبَرَشٍ نِإْفٍ ، هَيْلَعِ
وَأُ ، نُنِّيَّعِ أَمْوٍ : لَيْقِ رَلَّ أَبْخُلْ لِرَهْنِ وَأُ ، نُنِّيَّعِ نَمُّ هَيْقِسَيَّ نَأْلَجْ وَزَعِ هَلَلْ لَعِ أَوْحَ نَأْكَ
رَأْنَلْ لِرَهْنِ أَدِيَّ دَصَ : لَأَقِ ؟ لَبْخُلْ لِرَهْنِ

"Кимки ароқ ичиб маст бўлса, Аллоҳ унинг қирқ тонг намозини қабул қилмайди. Агар ароқ ичса, Аллоҳ унинг қирқ кун намозини қабул этмайди. Агар тавба қилса, Аллоҳ тавбасини қабул қилади. Агар яна ичса, қирқ кун намозини қабул қилайди. Агар тўртинчи бор ҳам ичадиган бўлса, Аллоҳ азза ва жалла уни барбод қилувчи ариқ ёки булоқдан ичиришга ҳақдор бўлади". "Барбод қилувчи ариқ ёки булоқ", деганингиз нимаси?" деб сўралди. Расулуллоҳ (с.а.в.): "У дўзах аҳлининг йирингларида пайдо бўладиган ариқ ёки булоқ", дедилар".

Имом Бухорий ўзининг "Таърихи кабир" асарида ривоят қилган ҳадисга эътибор беринг:

عَيْشَ أَمَّنْهُ وَدَسَجَ يَفَمَّ أَدَامَ ءَةَ الصُّرْمَخُ لِبَرَّاشِ لَ هَلَلْ لَبْقِيَّ أَلْ

"Аллоҳ ароқ ичувчининг намозини, мадомоки ўша ароқдан бирор нарса жасадида бўлар экан, қабул этмайди!".

Намозни қабул қилиш Аллоҳнинг иши, буюрилган намозни ўқиш эса банданинг иши. Банда буюрилган ишни қилиши керак! Шунинг учун у ароқ ичиб, айб иш қилиб қўйганидан сўнг намоз ўқимасдан юра олмайди, намозини ўқийверади. Бўйнидаги фарзни гуноҳкор ҳолида бўлса ҳам банда соқит қилиши лозим! Мана шу нозик жиҳатни унутмаслик керак.

Ароқ ҳақида гап очилганда доим «Шифо учун ароқ ичса бўладими?» ва «Саҳрода сувсиз қолганда ароқ ичиладими?» деган иккита савол ўртага тушади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): «Ҳаром нарсада мўъмин учун шифо йўқ» деган мазмунда марҳамат қилганлар. Уламоларимиз, ул зоти шариф: «Аслида шифоси йўқ нарсаларда шифо йўқ» деган фикрда эдилар, деб таъвил қилганлар бу ҳадиси шарифни. Мавлоно Алий ал-Қори ҳазратлари «Мухтасари виқоя»нинг шарҳида «Кароҳият китоби»да: «Агар мусулмон моҳир табиб маълум бир касалликка ароқдан бошқа ҳеч қандай шифо қолмади. Касалга ароқ ичирилса, шифо топади» деб гувоҳлик берса, ўша

касалнинг табиб кўрсатганидек, ароқ ичиши мувоҳ бўлади. Яъни бу ҳам ихтиёрий» деб ёзганлар. Демак, масала ойдин. Мусулмон табиб гувоҳлик беради, мусулмон табиб бўлганда ҳам моҳир, тажрибали, ҳамма тан олган мусулмон табибгина гувоҳлик беради. Шундагина касалга касаллиги тузалиши миқдоридагина ароқ ичиши мувоҳ бўлади. Барча ҳаром нарсаларни (ит, ит ёғи, тўрсиқ, типратикон-кирпи, тошбақа гўштини) шифо ниятида ейишнинг ҳукми мана шундайдир. Яъни, уларни ҳам ўз-ўзидан шифо бўлади, деб ейилавермайди, асло. Табиби ҳозиқ юқоридагидек, гувоҳлик бергандан сўнггина улар ейилиши мумкин.

Саҳрода бир одам қолиб кетганда унинг ейдиган, ичадиган нарсаси қолмабди. Излабди, юрибди, қидирибди – сув топа олмабди. Силласи қуриб йиқилиб қолибди ҳам. Ўлим аниқ кўзига кўриниб кетибди. Ана шу ҳолатдагина унга сув топиб оладиган ерга етиш миқдоридагина ароқ ичишга рухсат беради шариат. Зеро, инсоннинг ҳаёти ҳаром-ҳариш масалаларидан устун туради шариатда. Лекин бундан ортиғи эса ҳаром. Ана шу ҳолатга етмасдан олдин ичиши ҳаром.

ХУЛОСА:

Шундай қилиб, мастликда даража бор экан. Унинг даражаси уч хил бўларкан:

Биринчиси, кимки осмону ерни ажрата олмайдиган даражада ёки ундан баттар бўлса, шаксиз унга дарра урилади. Ана шу даражада бўлса, унинг куфри куфр бўлмайди. Агар паст бўлса, куфри куфр бўлади, наъзу биллоҳ. Бу Имоми Аъзамнинг қавлидир. Лекин Имомайнлар беҳуда, пойинтар-сойинтар гапира бошлашни чегара деб билганлар. Фатво ана шу қавлгадир. Яъни, беҳуда гапира бошласа, уни ушлаб ҳад (дарра) урилади.

Иккинчиси, ҳеч қандай даража белгиланмайди. Бунга муомалотларда – никоҳ, талоқ, савдо, қасамларда шундай қилинади. Яъни, қандай маст бўлмасин, унинг шу қилган, айтганлари инобатга ўтади. Демак, қандай маст бўлмасин, никоҳи никоҳ, талоғи талоқ, савдоси савдо, қасами қасам бўлади.

Учинчиси, ибодатда – юриши ўзгариш даражасидир. Яъни, мастнинг юриши ўзгарса, таҳорати синади, намоз ўқий олмайди. Агар юриши

Ўзгармаса, таҳорати синмайди, намозини ўз вақтида ўқийди.

Ароқ ичишнинг муҳо – ихтиёрий бўлишида шартлар бор. Ичиш охириги имконият эканини табиби ҳозик, маҳоратли шифокор, ишончли мутахассис қатъий туриб тавсия қилгандагина ичиш ихтиёрий бўлиши мумкин. Мазкур шартлар мавжуд бўлгандагина ароқ ичиш ихтиёрий бўлади. Шартлар йўқ экан, ароқ томчиси ҳам ҳаромлигича қолаверади.

Ана! Ифлос ароқ ҳақида айрим маълумотларни билиб олдик. Худога шукр!
Ҳаммага амал қилиш насиб қилсин!

Ҳамидуллоҳ Беруний